

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

24" 01 2020 йил. 13-1984/сон Урганг шаҳар
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Бозоғи Тулов
Хасампази
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари _____ бир
томондан ҳамда Низом ва 2020 йил " 23 " июнда берилган 01-19-33/3099—сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Хоразм" газ таъминоти филиали
(кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари Ш.Қ.Сабилов иккинчи
томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади)
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ
қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган метрларга (Табийи газдан
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга
(ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол
қилиниши тахмин қилинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 2020 йилда
21000 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил қилади, жумладан
чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади: 13160000

I чорак	<u>21000</u> мингкуб.м, январь	<u>7000</u> , февраль	<u>7000</u> , март	<u>7000</u>
II чорак	_____ мингкуб.м, апрель	_____ май	_____ июнь	_____
III чорак	_____ минг куб.м, июль	_____ август	_____ сентябрь	_____
IV чорак	_____ мингкуб.м, октябрь	_____ ноябрь	_____ декабрь	_____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак 11000 мингкуб.м, январь 2000, февраль 2000, март 2000
 II чорак _____ мингкуб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
 III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____
 IV чорак _____ мингкуб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилди.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик метъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

609 31-51-826

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар қамида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қуруларида юз берган авария ҳолатлари булдан мустафо. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулларининг технологик иш режими бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини отоҳлангирган ҳолда газ етказиб бериши чеклаш ёки

тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунгазам алмашини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газнинг ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шариотда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шариотда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг метъёрий-ҳуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шариотга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва метъёриларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб

берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига улаштирилади.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z Dst 8.030:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z Dst 8.031:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификат ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўриклдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарихий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсловаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборнинг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб

берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчининг жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг тарихий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z Dst 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z Dst 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралаштириш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманиннг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олинмиб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қурувларида ёки ГТТЛларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга.

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) — бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чеграси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метейрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлашдан асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га қўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнаинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тутилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадидлар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланган кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соzilгини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ГГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул қиладди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламастик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узагилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиладди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргандақидрда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиладди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб қабул қилинганга қадар тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурилмаларининг назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- хисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қодаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қодалбузарликлар ёхуд газни талон-ғарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:
- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
 - ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
 - табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
 - газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашни таъминлаш;
 - шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча оғохлантиришарсиз тармоқдан ўчириш;
 - табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойлиқларнинг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
 - Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
 - қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимомасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
 - Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
 - техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;
 - табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
 - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
 - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
 - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;
 - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;
 - Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 7.2. Етказиб берувчиқуйидаги ҳуқуқларга эга:
- техник заруратга қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;
 - газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;
 - Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истеъмолчи билан келишимасдан ва уни оғохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

- 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:
- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
 - газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
 - газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникжиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
 - газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
 - ўзининг газ тармоқлари дахлизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
 - газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициқланмаган, таъмирлаш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
 - газ етказиб берувчи вақилари ва “Ўзнефтгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;
 - газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
 - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган таъмирларнинг бутунлигини таъминлаш;
 - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
 - Газ тармоғи бўлиниши чеграсида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига

эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни

Истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5 ва 6.1 бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб бериувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб бериувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мажбуриятнинг тартибдорлиги 2.5 ва 6.1 бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб бериувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб бериувчининг мансбдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб бериувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб бериувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб бериувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб бериувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб бериувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб бериувчи"га мажбуриятларнинг доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вақиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб бериувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни сулғача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойлашган жойдаги тегишли сулға мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартаришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ қазичикариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгги бўлмас қучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар,

хусусан, сел, ёмгир, сув тошқини, ёнгин чқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмағи қолганда жавобгарликка жалб этилмагандан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга қиради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрдан бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муружаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муружаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар й. чи 2022 йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизминини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусха ҳам бир хил юридик қучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

Манзил: Тел./факс:	«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ҚОҚУЛГА» ХОРАТОН ТАҚСИМЛАШ ФИЛИАЛИ “BOG'OT TUMANGAZ” GAZ TAYMINOTI BO'LINI
х/р:	Bog'ot tumani A. Masharipov k. 11-juy
Банк номи:	X/R: 22634000905113960472
МФО:	O'ZSAMOATOURIUSHIBANK RAKAT FILIALI
ИНН:	MFO: 00435; INN: 306605769
Х/Р:	ОКЭД: 35220 Tel: 315-17-26
Раҳбар:	Х/Р: <u>Ш. К. Собирев</u>
(Ф.И.Ш.):	“ИСТЕЪМОЛЧИ”
Имзоси:	<u>Ботан муҳим</u>
Мухр ўрни:	<u>Бюджет ташкилотлари, ҳўжалик юритуви субъектлар номи)</u>
	Почта манзил: <u>Ўзбекистон қучаси 18-уй</u>
	ОКПО коди: <u>87600</u> ОКЭД:
	Мулоқот телефони: <u>31-52-821</u>
	Ҳаз./х: <u>23402000300100001010</u>
	Банк номи: <u>Марказий банк Ўзбекистон</u>
	МФО: <u>00014</u> ИНН: <u>200427016</u>
	ш/х: <u>100228603320470118204018004</u>
х/р:	
(Ҳазначилик бўлимаси номи)	
Раҳбар:	<u>Қурбонов Санжар</u>
(Ф.И.Ш.):	
Имзоси:	
Мухр ўрни:	

Ushbu shartnoma amalda
mo'yoriy hujjatlariga mos
ravishda tuzilgan
Xuquqshunos: Bo'qov

(ф.и.ш.) (имзо, муҳр)